



№ 54/10 - II

20 20yil " II " 110116

**Коронавирус пандемияси, глобал инкироз ҳолатларининг иқтисодийга салбий таъсирини камайтириш мақсадида кўрилатган чора-тадбирлар натижалари бўйича туманда амалга оширилган ишлар ва туманда секторлар штаби биноларини ташкил этиш ҳақида**

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6,7 ва 8-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги ПҚ-3182-сонли ҳамда 2019 йил 8 январдаги “Худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4102-сонли Қарорига мувофиқ, секторлар штаблари фаолиятини ташкил этиш, шу жумладан аҳолининг муаммоларини ҳал этиш ва уларга қулайликлар яратиш мақсадида Халқ депутатлари Учтепа тумани Кенгаши,

### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Учтепа туман ҳокими Ф.Абдуллаевнинг Коронавирус пандемияси, глобал инкироз ҳолатларининг иқтисодийга салбий таъсирини камайтириш мақсадида кўрилатган чора-тадбирлар натижалари бўйича туманда амалга оширилган ишлар ва туманда секторлар штаби биноларини ташкил этиш ҳақида ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Учтепа тумани 1-сектор учун “Кўхна Чўпон ота” маҳалласи 13-мавзе, 38-уй ёни, 2-сектор учун “Фарход” маҳалласи 23-мавзе, 15-уй ва 399-МТМ орқаси, 3-сектор учун “Дийдор” маҳалласи 30-мавзе, 19-уй ёни, 4-сектор учун “Ватан” маҳалласи 24-мавзе, 44-уй олдида замонавий енгил конструкцияли (сендвич панелдан) ташкил топган Учтепа тумани секторлар штаби биноларини ташкил этишга ва атрофини ободонлаштириш ишларига руҳсат берилсин.

4. Туман ҳокимининг ўринбосари (Л.Алманов), тегишли мутасадди ташкилотлар билан биргаликда:

Мазкур ташкил этилаётган секторлар штаби биноларига муҳандислик тармоқларни уланиши юзасидан тегишли чоралар кўрилиши таъминлансин.

Секторлар штаби бинолари атрофини ободонлаштириш ишлари мукамал даражада амалга оширилсин.

5. Туман ҳокимининг ўринбосари (Ш.Шаакрамов), туман Қурилиш бўлими (М.Юсупов), Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри Учтепа туман филиали (Ш.Закиров):

Қурилиш ва ободонлаштириш ишлари якунлангандан сўнг, ушбу замонавий енгил конструкциядан ташкил топган секторлар штаби биноларини кадастр ҳужжатларни расмийлаштириш ҳамда ўрнатилган тартибда Учтепа тумани ҳокимлиги тасарруфига ўтказиш ишларини амалга оширилиши таъминлансин.

6. Туман ҳокими томонидан туманда секторлар штаби биноларини ташкил этиш юзасидан қарор қабул қилинсин.

7. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари Учтепа тумани Кенгашининг Саноат, транспорт, қурилиш, алоқа ва аҳолига хизматлар кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси Б.Ишанходжаев ва туман ҳокимининг ўринбосари Ш.Шаакрамов зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари Учтепа  
туман Кенгаши раиси



Ф.Абдуллаев



№ 55/10-ў

20 28 yil - 11 - 11/11b

**Дори воситалари, тиббий буюмлар, озик-овқат маҳсулотлари нархлари  
катъий назоратга олиниши ҳолатининг Учтепа туманида  
ижро этилиши ҳолатини ўрганиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6, 24-моддаларига асосан ҳамда Дори воситалари, тиббий буюмлар, озик-овқат маҳсулотлари нархлари катъий назоратга олиниши борасидаги фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида, халқ депутатлари Учтепа туман Кенгаши

**Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**

1. Учтепа туман прокурори (А.Қораев)нинг Дори воситалари, тиббий буюмлар, озик-овқат маҳсулотлари нархлари катъий назоратга олиниши ҳолати ҳақидаги ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Учтепа туман прокурори (А.Қораев) мутасадди ташкилотлар билан биргаликда:

- Фарход деҳқон бозори" АЖ, Ўрикзор савдо комплекси" МЧЖ ҳамда дорихоналарда истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, нарх-навонинг сунъий ошишига, зарур озик-овқат, кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва дори-дармон воситалари ҳамда тиббий жиҳозлар узилишига йўл қўймаслик чоралари кўриш;

- ўтказилган назорат тадбирларида нарх-навони сунъий оширмаслик, зарур озик-овқат ва кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари узилишига йўл қўймаслик ҳамда қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўймаслик ҳақида деҳқон бозорлари, дорихона, савдо комплекслари раҳбарлари мансабдор шахсларга расман огоҳлантирув эълон қилинишини ташкил этиш;

- ишлаб чиқарувчи ва экспорт қилувчи ташкилотларда умумий карантин коидаларига риоя этилишини ва улардаги доимий назоратни ташкил этиш бўйича барча керакли чораларни кўриш тақлиф этилсин;

3. Туман ҳокимлиги (Ф.Абдуллаев), туман прокурори (А.Қораев), туман солиқ инспекциялари бўлими раҳбари (Р.Аширматов):

- технологик асбоб-ускуналарни импорт қилган тадбиркорлик субъектлари фаолиятида юзага келаётган муаммоларни ўрганиш ва уларни

ҳал этишда амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида ҳоким ўринбосарлари ва мутасадди идоралар вакиллари иштирокида учрашувлар ташкил этиб борилсин;

- тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилган импорт ҳажмларини пухта таҳлил қилган ҳолда импортни қисқартириш чоралари кўриб борилсин;

- экспорт салоҳиятини ошириш учун мутасадди идора ва ташкилотлар билан биргаликда тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш фаолиятига ҳар томонлама кўмак бериш ва экспортёр корхоналар билан жойига чиққан ҳолда мавжуд шарт-шароитлар ўрганиб бориш, аниқланган муаммо ва камчиликларга амалий ечим топиш чоралари кўрилсин.

4. Туман молия бўлими бошлиғи (А.Рустамов), туман солиқ инспекциялари бўлими раҳбари (Р.Аширматов), Туман ҳокимлиги (Ф.Абдуллаев) – жорий йил якунига қадар даромадлар базасини кўпайтиришнинг кўшимча захираларини излаш, даромадлар тушумини кўпайтириш, кам самарали харажатларни қисқартириш ва шу асосда 2020 йилги Давлат бюджети дефцитини камайтириш бўйича барча зарур чоралар кўрилсин.

5. Туман прокурори (А.Қораев) амалга оширилган ишлар бўйича ҳар ой якунида халқ депутатлари Учтепа туман Кенгашига ҳисобот киритсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат халқ депутатлари Учтепа туман Кенгашининг Қонунийликни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси О.Ташанов зиммасига юклатилсин.

**Халқ депутатлари Учтепа  
туман Кенгаши раиси**



**Ф.Абдуллаев**



№ 56/10-ў

2020 yil " 11 " mart

**Учтепа туманида тадбиркорлик субъектлари учун берилган солиқ имтиёзларининг амалда қўлланилиши ҳамда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича белгиланган чораларнинг амалдаги ижроси тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6 ва 24-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 декабрдаги “Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий эркинлигини ошириш, маҳаллий бюджетларга тушумларнинг тўлиқлигини таъминлаш бўйича солиқ ва молия органлари жавобгарлигини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5283-сон Фармониغا асосан халқ депутатлари Учтепа туман Кенгаши,

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи (Р.Аширматов)нинг Пандемия даврида Учтепа туманида тадбиркорлик субъектлари учун берилган солиқ имтиёзларининг амалда қўлланилиши ҳамда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича белгиланган чораларнинг амалдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин;

2. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (А.Хужанов), туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи (Р.Аширматов) ва туман молия бўлими (А.Рустамов) билан биргаликда:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги ПФ-5969 сонли фармониغا асосан тадбиркорлик субъектларига имтиёзлар берилиши, хусусан мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлаш бўйича фоизларни ундирмасдан 6 ойга кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш), шунингдек ушбу солиқлар бўйича пеня ҳисобланишини тўхтатиб турилиши, солиқ қарзини мажбурий ундириш чораларини кўрилмаслиги белгилаб қўйилсин;

инкирозга қарши курашиш республика комиссиясининг кўрсатмалари асосида коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш ва бошқа

глобал хавф-хатарлар даврида иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича юзага келадиган муаммоли масалаларни тезкорлик билан ҳал қилиш ва қўшимча чора-тадбирларни амалга оширишлари белгилансин;

солиқ маъмурчилиги асосида ишга солинмаган захираларни излаб топиш, ҳисобланган солиқлар тўлиқ тўланишини таъминлаш, “яширин” иқтисодиётни қискартириш ҳамда солиқ маъмурчилигининг янги самарали шакллари ёрдамида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиши ҳисобига II чоракка белгиланган прогноз кўрсаткичларини таъминлаш чоралари кўрилсин;

фаолияти тўлиқ ёки қисман тўхтаган корхоналарни фаолиятини тиклаш мақсадида қўллаб-қувватлашда бевосита амалий ёрдам кўрсатилсин;

тадбиркорлар сонини кўпайтириш, ишсизлар бандлигини таъминлаш, тадбиркорга шароит яратиш, муаммоларини ечимини топишда бевосита амалий ёрдам кўрсатиш ишлари амалга оширилсин;

солиқ тўловчиларнинг давлат солиқ хизмати органларига ташриф буюрмасдан солиқ мажбуриятларини бажариши учун уларга масофадан хизмат кўрсатиш ишлари амалга оширилсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси Ж.Каримов ва туман ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Хужанов зиммасига юклатилсин.

**Халқ депутатлари Учтепа  
туман Кенгаши раиси**

**Ф.Абдуллаев**



№ 57/10 - II

20 20 yil " II " 1104/6

**Учтепа туманида жамоат тартибини сақлаш ва худудда карантин тадбирлари талабларига тўлиқ риоя этилишини таъминлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6 ва 24-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг коронавирус пандемиясига оид фармонлари ва қарорлари, Республика махсус комиссиясининг қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда Учтепа туманида жамоат тартибини сақлаш ва карантин тадбирларига тўлиқ риоя этилишини таъминлаш қарши курашиш борасидаги фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида халқ депутатлари Учтепа туман Кенгаши,

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Учтепа туман Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича бошқармаси бошлиғи С.Ахмедов, 4-сонли ички ишлар бўлини бошлиғи У.Раимов ҳамда 8-сонли ички ишлар бўлини бошлиғи Б.Чориевларнинг Учтепа туманида жамоат тартибини сақлаш ва худудда карантин тадбирлари талабларига тўлиқ риоя этилишини таъминлаш тўғрисидаги ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Халқ депутатлари туман Кенгаши доимий комиссиялари, депутатлар:

- Учтепа туманида жамоат тартибини сақлаш ва карантин тадбирларига тўлиқ риоя этилишини таъминлаш борасидаги фаолиятида йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан доимий депутатлик назоратини ўрнатилсин;

- доимий ҳамкорликни таъминлаш мақсадида, ўз сайлов округларида хавфсизликни таъминлаш борасида ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар юзасидан ҳисобот муҳокамаларини ташкиллаштирилсин.

3. Туман Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича бошқармаси бошлиғи (С.Ахмедов)га:

Учтепа туман 8-сонли ички ишлар бўлини бошлиғи Б.Чориев Учтепа туманида жамоат тартибини сақлаш ва худудда карантин тадбирлари талабларига тўлиқ риоя этилишини таъминлаш бўйича фаолияти етарли даражада эмас деб топилганлиги инобатга олинсин.

- фаолиятида жиддий камчиликлар ва қонунбузарликларга йўл қўйган Б.Чориевнинг эгаллаб турган лавозимига лойиклиги ёки интизомий жавобгарлиги масаласини кўриб чиқсин.

- Учтепа туманида жамоат тартибини сақлаш ва карантин тадбирларига тўлиқ риоя этилишини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар алоҳида назорат остида давом эттирилсин;

- жамоат тартибини сақлаш ва карантин тадбирларига тўлиқ риоя этилишини таъминлаш, жиноятларга қарши кураш, уларни олдини олиш ҳамда профилактик ишларни олиб борилишида кенг жамоатчилик билан ҳамкорликни янада кучайтириш;

- кўнгил очар жойлар атрофида тунги рейдлар ташкил этиш ишларини олиб бориш;

- ҳуқуқбузарликлар профилактикасини кучайтириш, профилактика тадбирларини ўз вақтида тўлиқ ўтказилишини таъминлаш чораларини кўрсин.

4. Учтепа туман Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими (З.Азимбаева):

- ҳар бир содир этилган жиноятни маҳалла фуқаролар йиғинларида карантин қоидаларига риоя этган ҳолда муҳокама қилинишини таъминлаш;

- ҳудуддаги маҳаллалар фаоллари билан биргаликда жиноят содир бўлишини барвақт олдини олиш билан боғлиқ зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқиш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари Учтепа туман Кенгашининг Қонунийликни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича доимий комиссияси (О.Ташанов) зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари Учтепа  
туман Кенгаши раиси



Ф.Абдуллаев





№ 58/10-Й

2020 yil " 11 " июнь

**Маҳаллий бюджетлар ижроси, пандемия даврида бюджет барқарорлигини таъминлаш, ҳудудларнинг салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда маҳаллий бюджет даромадларининг қўшимча манбаларини шакллантириш, маҳаллий бюджет даромадларини ошириш бўйича туманда амалга оширилаётган ишлар тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бюджет кодекси 27-моддаси ва “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига мувофиқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Учтепа тумани Кенгаши

#### **Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 15 апрелдаги “Коронавирус пандемияси даврида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети барқарорлигини таъминлаш ва биринчи навбатдаги тадбирларни ўз вақтида молиялаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4679-сонли қарори ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 16 апрелдаги “2020 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлаш ва харажатларни мақбуллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 232-сонли қарори, Тошкент шаҳар ҳокимининг 2020 йил 20 апрелдаги 365-сонли, Учтепа тумани ҳокимининг 2020 йил 1 майдаги 253-сонли қарорлари доирасида ижро этилгани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Туман Молия бўлими (А.Рустамов)Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 120-моддасига биноан тумандаги бюджет ташкилотларининг молия йили бошига товар-моддий қимматликларнинг нормативдан ортиқ бўлган 283,0 (икки юз саксон уч) млн. сўм миқдордаги захираларини ўрнатилган тартибда амалдаги қонунчиликка асосан камайтирилишига ва ушбу маблағларни ҳамда йил бошига индексация асосида шакллانган маблағларнинг иқтисод қилинган қисми ҳисобидан 22,0 (йигирма икки) млн сўм,жами 305,0 (уч юз беш миллион) млн. сўммиқдордаги маблағларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 сентябрдаги “Ўзбекистон

Республикаси Санитария-эпидемиология хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5814-сонли Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Учтепа тумани Санитария-Эпидемиологик осойишталик маркази ходимларининг ишдан бўшаш компенсация тўлови вабошка тўловлари бўйича етишмаётган қисмига йўналтириш юзасидан тасдиқланган харажатлар сметасига тегишли ўзгартиришлар киритишга рухсат берилсин.

4. Туман ҳокими ўринбосарлари, туман Халқ таълими бўлими (Ў.Курбанов), туман Мактабгача таълим бўлими (Н.Хонгўраева), туман ҳудудий тиббиёт бирлашмаси (М.Дадахўджаева), туман Ободонлаштириш бошқармаси (Б.Мустапаев), туман Маданият ишлари бўлими (А.Азимов) ва бошқа маҳаллий бюджетдан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари раҳбарлари:

2020 йил II-чораклик якуни бўйича ҳисоботларни белгиланган муддатларда тақдим этилишини таъминлаш;

бюджет маблағларини мақсадли ва самарали сарфланиши устидан назоратни кучайтириш ва бу борада масъул ходимларнинг жавобгарлигини ошириш бўйича қатъий чора-тадбирлар кўрилинсин.

5. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими (Х.Шукурралиев), туман Давлат солиқ инспекцияси (Р.Аширматов), туман Молия бўлими (А.Рустамов) тегишли корхона ва ташкилотлари билан биргаликда:

Маҳаллий бюджет қонунчилиги тартибига риоя этилиши ҳамда иқтисодий ва молиявий статистика маълумотларининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш;

Учтепа туман маҳаллий бюджетнинг 2020 йил учун даромад прогноз кўрсаткичларини сўзсиз бажарилиши ва барча даромад манбалари бўйича сифатли ижросини таъминлаш;

кўшимча солиқ базаларини аниқлаш, бюджетга боқиманда қарздорликларни бартараф этиш бўйича тегишли чора-тадбирларни кўрсин.

6. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгашининг “Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш” масалалари бўйича доимий комиссияси раиси (Ж.Каримов) ҳамда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (А.Хужанов) зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари Учтепа  
туман Кенгаши раиси



Ф.Абдуллаев